БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши № 23 (12.376) | Якшанба, 27 январь 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

ҲИНД ХАЛҚИГА САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Н. С. ХРУШЧЕВ БИЛАН Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

Ҳиндистоннинг миллий байрами — Республика куни муносабати билан Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчев Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неруга табрик телеграммаси юбориб, ҳинд халқига самимий қутловлар йўллади.

Телеграммада айтиладики, мамлакатларимиз ўртасида мавжуд бўлган мустаҳкам дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлик муносабатлари ҳинд ва совет халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушмоқда, тинчликни мустаҳкамлашга ҳамда энг муҳим халқаро проблемаларни муваффақиятли ҳал қилишга ёрдам бермоқда.

Ҳиндистон Республикаси эълон қилинган кунининг 13 йиллиги байрами қилиниши муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Ҳиндистон президенти Сарвапалли Радҳакришнанга табрик телеграммаси юборди.

* * *

Касаба Союзлари Бутуниттифоқ Марказий Совети Касаба союзлари Умум Ҳиндистон конгрессига юборган телеграммасида миллий байрам муносабати билан қардошларча қизғин қутловлар йўллади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

БИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ПРАКТИКА БИЛАН БОҒЛАНИШИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Биология фанини янада ривожлантириш ва унинг практика билан боғланишини мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шуни қайд қилдиларки, совет фани умумий биология масалаларида, органик дунёнинг ривожланиш назариясини янада ишлаб чиқишда жиддий ютуқларга эришди ва шу асосда қишлоқ хўжалиги, медицина ва саноатнинг турли тармоқлари учун катта амалий аҳамиятга эга бўлган муҳим натижаларни қўлга киритди.

Мичурин йўлидан бораётган совет биологлари генетика, селекция ва уруғчилик соҳасида, айниқса ирсиятни ва унинг ўзгарувчанлигини бошқариш масалаларида катта муваффақиятларга эришдилар ва жаҳонда етакчи ўринни олиб турибдилар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг назариясига ва практикасига муҳим ҳисса қўшдилар. Шу асосда совет олимлари бир қанча янги селекция-уруғчилик, агротехника усулларини — ирсий баҳорги навларни кузги навларга ва кузги навларни баҳорги навларга муайян мақсадни кўзлаб ўзгартириш, ўз-ўзидан чангланадиган ўсимликларни навлар ичида чатиштириш, навларни бемалол қайта чангланадиган қилиш, вегетатив ва олис гибридлаштиришни ишлаб чиқдилар ва практикада қўлланмоқдалар. Мамлакатимизнинг селекционерлари мана шу ва бошқа усуллардан фойдаланиб, бугдой, маккажўхори, кунгабоқар, қанд лавлаги ва бошқа экинларнинг янги сермаҳсул навларини яратдилар ва колхоз-совхоз ишлаб чиқаришига жорий қилдилар.

Қорамоллар, чўчқалар ва қўйларнинг янги сермаҳсул зотларини ва зот группаларини яратишда эришилган муваффақиятлар бор. СССР Фанлар академияси Генетика институтининг «Горки Ленинские» экспериментал базасида сутининг таркибида 5-5,2 процент мойи бўлган наслдор сигирлар зоти вужудга келтирилди, шу сигирлардан фойдаланиб, колхозлар ва совхозлардаги сигирлар сутининг таркибидаги мойни анча кўпайтириш мумкин.

Ўсимликларни илдизидан озиқлантириш соҳасидаги назарий ва амалий ишлар ҳамда органик ва минерал ўғитлардан тағин ҳам самаралироқ фойдаланиш соҳасида ишлаб чиқилаётган усуллар қишлоқ хўжалигини ва деҳқончиликнинг рационал системасини янада ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга.

Тирик материя ривожланишининг барча босқичларида унинг муфассал тузилишини ва функцияларини ўрганувчи биохимия, биофизика, генетика, микробиология, вирусология ва иммунология сингари фан тармоқларининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Биохимиклар, микробиологлар ва химикларнинг ишларига асосланиб, Ватанимизда антибиотиклар ва витаминлар ишлаб чиқарадиган саноат барпо қилинди, антибиотиклар ва витаминлар медицинада ва қишлоқ хўжалигида кенг қўлланиладиган бўлиб қолди. Генетик методлардан фойдаланиш йўли билан антибиотикларнинг юксак даражада актив продуцентлари ҳосил қилинди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу эса пенициллин, стрептомицин, террамицин ва бошқа антибиотикларнинг ҳосил қилинишини анча кўпайтиришга имкон берди. Турли дефолиантлар, десикантларни ҳамда ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ўсишини тезлаштирадиган бошқа ингибиторлар ва активаторларни ишлаб чиқариш усуллари топилди. Минерал ўғитлардан ва жумладан, таркибида микроэлементлар (марганец, молибден, мис, бор, рух бўлган) ўғитлардан фойдаланишнинг юксак самарали усуллари ишлаб чиқилди ва практикада жорий қилинмоқда. Медицинада ҳамда енгил, озиқ-овқат ва химия саноатининг бир қанча тармоқларида катта аҳамиятга эга бўлган ферментлар саноатини ривожлантириш учун шарт-шароит вужудга келтирилди.

Медицина фани соҳасидаги катта муваффақиятлар ҳамда тирик организмлар физиологиясини ривожланитришда муҳим роль ўйнаган И. П. Павлов таълимотидан фойдаланиш практик медицинанинг бир қанча проблемаларини ечишга имкон берди. Иммунитетга, ўтадиган касалликларнинг манбаларига ва гельминтологияга доир тадқиқотлар кенг ривожланди, бу эса одам ва ҳайвонлардаги кўпгина хавфли касалликларни анча камайтиришга имкон берди. Шок ва клиник ўлим ҳолатида бўлган одам организмининг ҳаётий функцияларини тиклаш методлари ишлаб чиқилди. Одам организмини совутиш методини қўлланиш юрак, ўпка ва қон томирларида самарали хирургия операциялари ўтказиш имкониятини таъминлади.

Вирусология соҳасидаги муваффақиятлар хавфли вирусли касалликларга қарши янги, тағин ҳам мукаммал воситаларни ишлаб чиқишга имкон берди. Полиомиелитга қарши курашда катта муваффақиятларга эришилди. Вакциналарни, зардобларни (сивороткаларни), микробларни ўлдирувчи химиявий воситаларни ва бошқа химиявий препаратларни қўлланиш Совет Иттифоқида бир қанча юқумли касалликларни ҳақиқатан тугатишга имкон берди.

Совет биологларининг ишлари одамнинг космосга биринчи учишларини амалга оширишга ёрдам берди.

Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шуни қайд қилиб ўтдиларки, биология ва унга туташ фанларнинг баъзи тармоқларидаги, шунингдек химия ва физиканинг қишлоқ хўжалиги ва медицина билан боғланган тармоқларидаги илмий тадқиқотлар етарли равишда авж олдирилган эмас. Бир қанча ҳолларда тадқиқотлар паст даражада олиб борилмоқда ва назарий жиҳатдан самарасиз бўлиб, амалий аҳамиятга эга эмас. Шунга қарамай, шу ишларнинг пуч муваффақиятларини асоссиз равишда оммалаштирувчи ва мақтаб ёзилган мақолалар кейинги вақтларда матбуотда тез-тез пайдо бўлиб турибди, бу эса носоғлом сенсациябозлик вазиятини туғдирмоқда ва жамоатчилик фикрини нотўғри йўлга бурмоқда.

Мичурин йўлидаги назарий биология масалалари билан шуғулланаётган илмий муассасалар ва илмий ходимлар, жумладан, СССР Фанлар академиясининг биология бўлимида ва иттифоқчи республикалар фанлар академияларида мутлақо етарли эмас. Биологиянинг мана шу назарий қонуниятларини эгаллаб олган олимлар қониқарли равишда тайёрланмаётир.

Тирик организм химияси ва физикаси етарли равишда ўрганилмаётир. Гербицидларни, заҳарли химикатларни ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилувчи бошқа химиявий воситаларни синтез қилиш соҳасидаги тадқиқотлар жиддий равишда орқада қолмоқда. Агрохимия, тупроқшунослик ва ўсимликларнинг қисмий физиологияси соҳаларидаги тадқиқотлар кам ривожланган. Концентрат ва мураккаб ўғитларнинг янги турларини синтез қилиш билан боғланган масалалар тузук ишлаб чиқилмаётир. Чорвачиликда ем-хашак базасига ва химиявий воситаларни қўлланишга доир масалаларни илмий жиҳатдан ишлаб чиқишда жиддий қолоқлик бор.

Биология фанини янада муваффақиятли ривожлантириш ва унинг практика билан боғланишини мустаҳкамлаш мақсадида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети биология фанларининг бутун комплексини бутун чоралар билан ривожлантиришни зарур, деб топдилар. Ҳаёт ҳодисаларининг моҳиятини аниқлаш, органик дунё тараққиётининг биологик қонуниятларини очиб бериш, тирик организмларнинг физикасини, химиясини ўрганиш, ҳаётий процессларни, жумладан, модда айирбошланишни, ирсиятни ҳамда муайян мақсадни кўзлаб организмларни ўзгартиришни бошқаришнинг турли усулларини ишлаб чиқиш шу фанларнинг асосий вазифалари, деб ҳисоблансин. Биология фанидаги мичуринчилик йўлини кенг ва чуқур ривожлантириш зарур, бу йўл турмуш шароити органик дунёнинг ривожланишида етакчи роль ўйнайди, деган қоидага асосланади. Медицина фани рак, вирусли касалликлар, юрак-томир касалликлари ва одамларнинг ҳаёти учун хатарли бўлган бошқа шулар сингари касалликларнинг олдини олиш ва шундай касалликларни енгиш воситаларини топишга ўзининг куч ва ғайратини сарфлаши лозим. Одамларнинг умрини узайтириш ва уларнинг иш қобилиятини ошириш учун назарий асослар ва амалий тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим. Микроорганизмларни ўрганиш ва улардан халқ хўжалигида ҳамда соғлиқни сақлашда, шу жумладан овқат ва озуқаларни, витаминлар, антибиотиклар, ферментларни ишлаб чиқариш учун, агротехника ва зоотехниканинг янги усулларини топиш учун кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети биология фанининг қишлоқ хўжалигини, медицинани, енгил саноатни ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга қаратилган қуйидаги асосий проблемаларни белгилаб бердилар:

— қишлоқ хўжалик ўсимликлари ва ҳайвонлар селекциясининг янги самарали усулларини ишлаб чиқиш мақсадида ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмларнинг тур пайдо бўлиш процессларини, ирсиятини ва яшовчанлигини бошқариш;

— ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ўсишини ва ривожланишини белгиловчи организмда модда ва энергия алмашуви, алмашув процессини бошқариш усуллари;

— оқсилларнинг, нуклеин кислоталарнинг ва биология жиҳатидан аҳамиятли бўлган бошқа муҳим бирикмаларнинг физик хоссалари, химиявий тузилиши ва физиологик функциялари, иммунитетнинг табиатини аниқлаш ҳамда шу асосда одам, ҳайвон ва ўсимликлардаги касалликларни даволашнинг ва олдини олишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш;

— атмосфера азотининг фотосинтезини, хемосинтезини, биологик фиксациясини ва ўсимликларни илдизидан озиқлантиришни ўрганиш, ўсимликларнинг қуёш энергиясидан ва тупроқдаги тўйимли моддалардан фойдаланиш даражасини ошириш, тупроқдаги озиқни кўпайтириш методларини ишлаб чиқиш, ўғитларнинг янги, тағин ҳам самарали формаларини вужудга келтириш ва шундай ўғитларни ишлатиш усулларини ишлаб чиқиш;

— янги гербицидлар, дефолиантлар ва бошқа биологик актив моддалардан қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда фойдаланиш мақсадида уларнинг таъсир қилиш табиати ва синтези;

— медицинада даволаш воситалари тариқасида ҳамда қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ва ҳайвонларнинг касалликлари ва зараркунандалари билан кураш воситалари тариқасида фойдаланиладиган янги препаратлар вужудга келтириш;

— ҳужайранинг структураси ва функциялари; нормал ҳужайранинг айниб хатарли ҳужайрага айланиш физиологияси ва биохимияси; вируслар билан ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизм ҳужайраларининг бир-бирига таъсир қилишидаги қонуниятлар;

— одам ва ҳайвонлардаги марказий нерв системасининг ва бошқа физиологик системаларнинг тузилиши ва фаолияти;

— ядро нурлари ўтказадиган биологик таъсирнинг асоси, қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда ва чорвачиликда ядро нурларининг кам дозаларидан фойдаланиш, радиация шикастлари билан курашиш методларини ишлаб чиқиш;

— ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамда космосда ҳаёт бўлиш имкониятлари;

— табиий ресурсларни сақлаб қолиш ва кўпайтиришнинг илмий асослари, чорва ва ўсимлик ҳом ашёсини асраш ва қайта ишлаш, шу жумладан консервалаш ва силослаш принциплари;

— маккажўхори, дон, дуккакли дон, техника ўсимликлари, мой берадиган ўсимликлар, сабзавот, мевали ўсимликлар ва бошқа экинлар селекциясининг методларини ҳамда, жумладан, кузги буғдойни совуққа чидайдиган қилиш, қишга чидайдиган қилиш, касалликларга ва зараркунанда ҳашаротларга бардош берадиган қилиш методларини ишлаб чиқиш;

— гибридларнинг сермаҳсулроқ бўлган биринчи бўғинидан амалий фойдаланиш мақсадида ўсимликларни ва ҳайвонларни гибридлаштириш ишларини кенгайтириш;

— чорвачилик учун озуқа витаминлари ва антибиотиклар ишлаб чиқариш технологиясини, озуқаларни микроб оқсили билан бойитиш усулларини ҳамда озуқа аминокислоталарини саноатда ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш;

— мамлакатнинг турли зоналари учун қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг озуқа рационларини ҳамда озуқага минераллар, витаминлар, ўстирадиган стимуляторлар қўшиш, синтетик мочевина қўшиш ёрдами билан озуқа рационларини яхшилашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек озуқалар таркибидаги оқсил моддалар ва бошқа муҳим тўйимли моддалардан чорвачиликнинг маҳсулдорлигини кўпайтириш мақсадида фойдаланишни оширишга ёрдам берадиган бошқа химиявий препаратларни ўрганиш;

— қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг паразитлари ва қишлоқ хўжалик ўсимликларининг зараркунандалари билан курашишнинг биологик усулларини топиш;

— чорвачилик ва қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда вирусли касалликларнинг олдини олиш ва бу касалликларнинг пайдо бўлишини олдинроқ билиш усулларини ҳамда шу касалликлар билан курашиш чораларини топиш, шунингдек касалликларни туғдирувчиларнинг ва ўтказувчиларнинг тарқалиши ва ривожланишидаги қонуниятларни ўрганиш ҳамда уларни тугатишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш.

Аҳоли учун юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ва саноат учун юқори сифатли ҳом ашёни мўл-кўл қилиб вужудга келтиришга, медицина, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати ва енгил саноат манфаатларини кўзлаб, янги биохимик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга биология фанлари кўмаклашуви лозимлигини назарда тутиб, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайди:

— биологик илмий тадқиқот муассасаларининг ишлаб чиқариш билан боғланиши бутун чоралар билан кучайтирилсин;

— биология муваффақиятларидан халқ хўжалиги ва медицина учун ҳар томонлама фойдаланилсин;

— биология билан табиёт фанининг бошқа бўлимлари — физика, химия ва математика ўртасидаги ўзаро алоқа мустаҳкамлансин;

— тирик материяни тадқиқ қилмоқ учун ҳозирги замон техникасининг муваффақиятларидан кенг фойдаланилсин;

— биология проблемаларига доир юксак даражада тадқиқотлар ўтказа оладиган кадрларни тайёрлаш системаси яхшилансин.

(Охири учинчи бетда).

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1962 ЙИЛДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари КПСС XXII съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, етти йилликнинг тўртинчи йилида экономикани ривожлантириш, халқ фаровонлигини ва мадачий турмуш даражасини юксалтириш соҳасида янги муваффақиятларга эришдилар.

I.

САНОАТ

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик плани ошириб бажарилди. Маҳсулот чиқариш 1961 йилдагига нисбатан, дастлабки маълумотларга қараганда, **9,5 процент,** шу жумладан ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш («А» группаси) 10 процентдан зиёдроқ ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш («Б» группаси) 7 процент кўпайди.

Етти йиллик план топшириқлари ортиғи билан бажарилмоқда. Ўтган тўрт йил ичида саноатнинг ялпи маҳсулоти етти йиллик планда ана шу йиллар учун кўзда тутилган 39 процент ўрнига 45 процент кўпайди; тўрт йил учун кўзда тутилганига қараганда 28 миллиард сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулотнинг кўпгина муҳим турларини ишлаб чиқариш топшириқлари ҳам ортиғи билан бажарилди.

Барча иттифоқчи республикалар ва барча иқтисодий районларнинг халқ хўжалиги кенгашлари саноат ишлаб чиқариш йиллик планини умуман ва маҳсулотнинг энг муҳим турларидан кўпчилиги бўйича ошириб бажардилар.

Саноат айрим тармоқларининг ялпи маҳсулоти бундан илгариги йилдагига нисбатан қуйидаги миқдорда кўпайди:

Химия	15 процент
шу жумладан, пластмасса ва синтетик смола	17 »
Қора ва рангли металлургия	9 »
Ёқилғи ва энергетика	8 »
Машинасозлик ва металлни ишлаш	15 »
Бинокорлик материаллари	9 »
Ёғоч, қоғоз ва ёғоч ишлаш	6 »
Енгил саноат ва маданий-маиший ашёлар	4 »
Озиқ-овқат саноати	9 »

Маҳсулотнинг асосий турлари ўтган йили қанча ишлаб чиқарилганлиги қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	1962 йилда ишлаб чиқарилди	1961 йилга нисбатан 1962 йилда процент ҳисобида
Чўян — миллион тонна	53,3	109
Пўлат — миллион тонна	76,3	108
Прокат — миллион тонна	59,2	107
Пўлат қувурлар — миллион метр	1126	114
Темир руда — миллион тонна	128	109
Нефть — миллион тонна	186	112
Газ — миллиард кубометр	75,2	124
Кўмир — миллион тонна	517	102
Шу жумладан коксланадиган кўмир	117	104
Электр энергияси — миллиард киловатт-соат	369	113
Минерал ўғитлар — миллион тонна	17,3	113
Каустик сода — миг тонна	961	107
Кальцийлаштирилган сода — миллион тонна	2,3	110
Сунъий ва синтетик тола — минг тонна	277	111
Автомобиль покришкалари — миллион дона	20,8	110
Турбиналар — миллион киловатт	11,9	111
Турбиналар учун генераторлар — миллион киловатт	11,0	117
Ўзгарувчан ток электродвигателлари — миллион киловатт	25,1	112
Металл қирқувчи станоклар — минг дона	176	106
Темирчилик-пресслаш машиналари — минг дона	33	108
Приборлар — миллион сўм	1525	117
Металлургия ускуналари — мичг тонна	241	113
Нефть аппаратлари — минг тонна	121	114
Химия ускуналари — миллион сўм	263	109
Тўқув станоклари — минг дона	22,9	121
Магистраль тепловозлар — секция	1483	102
Магистраль электровозлар — дона	617	111
Троллейбуслар — дона	837	127
Автомобиллар — минг дона	578	104
Тракторлар — минг дона	287	109
Қишлоқ хўжалик машиналари — жами — миллион сўм	1168	121
Трактор плуглари — минг дона	141	102
Трактор сеялкалари — минг дона	162	116
Трактор культиваторлари — миг дона	122	133
Дон комбайнлари — минг дона	79,8	105
Маккажўхори ўрадиган комбайнлар — минг дона	26,9	214
Лавлаги кавлаб берадиган комбайнлар — минг дона	10,1	180
Силос йиғадиган комбайнлар — минг дона	47,5	166
Пахта териш машиналари — минг дона	6,1	142
Трактор косилкалари — минг дона	97,6	106
Жўяк жаткалари — минг дона	73,9	132
Сортировкалар (галла ғарамини тозаловчи машиналар) — минг дона	30,7	174
Дон тозаловчи машиналар — минг дона	11,1	106
Сут соғиш установкалари — минг дона	59,3	113
Экскаваторлар — минг дона	17,1	107
Ташиб олинган қурилишбоп ёғоч (колхозлар ташиб олган ёғоч бу ҳисобга кирмайди) — миллион кубометр	245	103
Қоғоз — миллион тонна	2,8	107
Цемент — миллион тонна	57,3	113
Йиғма темир-бетон конструкциялари — миллион кубометр	41	114
Шифер — миллиард шартли плитка	3,7	109
Томга ёпиладиган юмшоқ материал — миллион квадрат метр	850	107
Дераза ойнаси — миллион квадрат метр	166	108
Ип газлама — миллиард квадрат метр	4,9	101
Жун газлама — миллион квадрат метр	469	103
Лён газлама — миллион квадрат метр	485	98
Шойи газлама — миллион квадрат метр	787	115
Кийим-кечак — миллиард сўм	9,7	104
Ички трикотаж — миллион дона	520	107
Устки трикотаж — миллион дона	125	106
Чарм пойафзал — миллион жуфт	456	103
Кигиз пойафзал — миллион жуфт	34	101
Ҳамма турдаги соатлар — миллион дона	26,1	103,3
Радиоприёмниклар ва радиолалар — миллион дона	4,3	100,5
Телевизорлар — миллиоч дона	2,2	111
Холодильниклар — минг дона	838	122
Кир ювиш машиналари — миллион дона	1,8	140
Тикув машиналари — миллион дона	3,3	101
Мотоцикллар ва мотороллерлар — минг дона	621	106
Велосипедлар ва мотовелосипедлар — миллион дона	3,1	110
Мебель — миллиард сўм	1,5	112
Гўшт (сўйилган вазнда) ҳаммаси — миллион тонна	9,4	109
Шу жумладан, колхозлар ва аҳоли сўйган молларни ҳисобга олмаганда	4,8	113
Колбасалар — миллион тонна	1,4	104
Балиқ овлаш ва денгиз ҳайвонларини овлаш — миллион тонна	4,1	111
Мол ёғи — ҳаммаси — минг тонна	940	105
шу жумладан, колхозлар ва аҳолининг уйда етиштирганидан ташқари	826	106
Сут маҳсулотлари (сут, творог, ряженка, кефир, простокваша, қаймоқ, сирок ва ҳоказолар) сутга айлантириб ҳисоблаганда — миллион тонна	9,3	103
Пишлоқ — минг тонна	208	113
Қанд-шакар — ҳаммаси — миллион тонна	7,8	93
шу жумладан, қанд лавлагидан	6,0	99
Кондитер маҳсулотлари — миллион тонна	1,9	108
Ўсимлик ёғи (колхозлар ва аҳолининг уйида етиштирганидан ташқари) — миллион тонна	2,0	116
Консервалар — миллиард банка	5,9	107
Совун — миллион тонна	1,7	110

Ўтган йили хом ашё, материаллар, ёқилғи ва электр энергиясини тежашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш давом эттирилди. Халқ хўжалиги кенгашларининг корхоналари бир йил ичида белгиланган нормага нисбатан тахминан 5 миллион тонна ёқилғи (шартли ёқилғига айлантириб ҳисоблаганда) ва 6 миллиард киловатт-соатга яқин электр энергияси тежаб қолдилар. Ёқилғи ишлаб чиқаришда унинг энг тежамли турлари — нефть ва газнинг салмоғи ундан олдинги йилдаги 42 процентдан 46 процентга етди. Айни вақтда кўпгина корхоналарда ёқилғи, электр энергияси ва металларни ортиқча харажат қилишга ҳали ҳам йўл қўйилмоқда.

Корхоналар, лойиҳалаш, конструкторлик ва илмий тадқиқот ташкилотлари илмий тадқиқотлар соҳасида ҳамда фан ва техника муваффақиятларини халқ хўжалигига жорий қилиш юзасидан иш олиб бордилар.

Ўтган йили халқ хўжалиги учун машиналар, механизмлар, аппаратлар ва бошқа ускуналарнинг 4 мингга яқин янги энг муҳим типлари ҳамда ишлаб чиқаришни контроль қилиш ва автоматлаштириш учун хилма-хил приборларнинг 1300 га яқин янги типлари конструкция қилинди ва тайёрланди. Маҳсулотнинг 900 га яқин энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва СССР да биринчи марта тайёрланди. Айни вақтда йил давомида конструкцияси эскирган машиналар, ускуналар ва приборлардан 350 га яқин тури ишлаб чиқаришдан олиб ташланди.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1962 ЙИЛДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Бошқ биринчи бетда).

Халқ хўжалиги кенгашларининг машинасозлик корхоналарида ишлаб турган ускуналарнинг иш унумини ошириш ва технология имкониятларини кенгайтириш мақсадида ўтган йили 60 мингга яқин металл қирқувчи станоклар, темирчилик-пресслаш, қуюв, ёғочсозлик ва бошқа ускуналар модернизация қилинди; саноатнинг бошқа бир қанча тармоқларида ҳам каттагина ҳажмдаги технология ускуналари модернизация қилинди.

Шу билан бир вақтда, янги машиналар ва ускуналар яратиш ва уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш ҳамда илғор технологияни жорий қилиш юзасидан белгиланган кўпгина план топшириқлари бажарилмай қолди; бир қанча корхоналар эскириб қолган конструкциядаги машиналар ва ускуналарни ҳали ҳам ишлаб чиқармоқдалар; химия саноатининг янги муҳим маҳсулотларини ишлаб чиқариш етарли даражада ривожланмаётир.

Ускуналардан фойдаланиш бирмунча яхшиланди. Қора металлургия корхоналарида домна печларининг фойдали ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти яхшиланди, мартен печларининг туби майдонининг ҳар бир квадрат метридан олинадиган пўлат кўпайди. Кўмир саноатида шахталардаги тозалаш ишларида комбайнларнинг ҳамда разрезлардаги экскаваторларнинг иш унуми кўпайди. Цемент саноатида айланма цемент печлари ва тегирмонларининг иш унуми ошди. Бироқ, саноатда ускуналардан фойдаланишни яхшилаш ва смена коэффициентини ошириш ҳисобига ишлаб чиқаришни янада ўстириш учун ҳали катта резервлар бор.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидаги корхоналарда ўтган йили ишлаб чиқаришни яхшилаш ва такомиллаштириш юзасидан 4 миллион 200 мингга яқин таклиф киритилди. Жами 2 миллион 700 мингдан ортиқ ихтиро ва рационализаторлик таклифлари жорий қилинди бу эса бир йилга ҳисоблаганда қарийб 1 миллиард 600 миллион сўм маблағни тежаш имконини беради.

Умуман мамлакатда ва барча иттифоқчи республикаларда меҳнат унумдорлигини ошириш ва саноат маҳсулоти таннархини камайтириш плани бажарилди. Саноатда меҳнат унумдорлиги 1961 йилга нисбатан 6 процент ошди. Саноат маҳсулоти ўсишининг учдан икки қисмига яқини меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига бўлди.

Бутун саноат маҳсулоти таннархини камайтиришдан пландан ташқари бир миллиард сўмга яқин тежам олинди.

Саноатда умуман план муваффақиятли бажарилса ҳам, кўпгина корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш планларини бажармаганликлари жиддий камчиликдир.

Ишлаб чиқариш, юк ташиш ва товар оборотининг ўсиши натижасида **халқ хўжалигида ундан олдинги йилдагига қараганда тахминан 13 процент кўп фойда олинди.** Саноатда, транспортда ва алоқа соҳасида жамғарма плани ортиғи билан бажарилди ва пудратчи қурилиш ташкилотларида бу план тўла бажарилмай қолди.

* * *

1962 йилда, бундан илгарги йилларда бўлганидек, Совет Иттифоқи Америка Қўшма Штатлари билан тинч иқтисодий мусобақада янги муваффақиятларга эришди.

1961 йилга нисбатан **аҳоли жон бошига ҳисоблаганда** саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш қуйидаги тарзда ўзгарди: СССРда аҳоли жон бошига пўлат ишлаб чиқариш 6 процент кўпайди, АҚШда эса бир ярим процент қисқарди, **электр энергияси** ҳосил қилиш СССРда 11 процент ўсди, АҚШда эса 6 процент ошди. **Нефть чиқариш** СССРда 10 процент кўпайди, АҚШда эса 0,5 процент қисқарди. Аҳоли жон бошига **цемент** ишлаб чиқариш СССРда 11 процент кўпайди, АҚШда эса фақат 2 процент ошди.

Кейинги беш йил ичида аҳоли жон бошига ҳисоблаганда саноат маҳсулотининг ўсиши СССРда 48 процентни, АҚШда эса атиги 8 процентни ташкил қилди.

Умуман СССР саноат маҳсулотининг ҳажми ўтган йили АҚШда 1957 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 47 процентн ўрнига қарийб 63 процентни ташкил қилди.

II.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ўтган йили барча қишлоқ хўжалик экинларининг экин майдони 216 миллион гектарни ташкил қилди ва ундан илгариги йилдагига нисбатан 11,4 миллион гектар кенгайди. Дон ва дуккакли дон экинларининг майдони 1961 йилдаги 128,3 миллион гектар ўрнига 135,9 миллион гектарни ташкил қилди.

Мамлакат колхоз ва совхозлари ердан фойдаланишни яхшилаш соҳасида катта қадам қўйдилар. Ўтган йили ўт экилган майдонлар 8,8 миллион гектар, тоза шудгор билан банд қилинган ерлар 8,7 миллион гектар ва сули экилган ерлар 4,6 миллион гектар қисқартирилди. Ўт, сули экилган ва тоза шудгор қилинган майдонларни қисқартириш ҳисобига шунингдек янги ерларни очишни давом эттириш ҳисобига серҳосил ва қиммати экинлар — буғдой, маккажўхори, дуккакли дон экинлари, молга едириладиган қанд лавлаги майдони кенгайтирилди.

Асосий қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш қуйидагича бўлди:

	Ялпи ҳосил (миллион тонна) 1953 йил	1961 йил	1962 йил
Дон экинларининг ҳаммаси			
миллиард пуд	5,0	8,4	9,0
миллион тонна	82,5	138,0	147,5
шу жумладан:			
Буғдой	41,3	66,5	70,6
Маккажўхори — тўла етилган ва думбул ҳолда (қуруқ донга айлантириб ҳисоблаганда)	3,7	24,3	23,3
Дуккакли дон экинлари	1,1	4,0	7,6
шу жумладан, нўхат	0,7	2,2	5,3
Пахта	3,9	4,5	4,3
Кунгабоқар	2,6	4,8	4,8
Қанд лавлаги (фабрикабоп)	23,2	50,9	47,2
Қанд лавлаги (молга едириладиган) —		13,3	22,9
Картошка	72,6	84,3	68,8

Мамлакатнинг бир қанча энг йирик қишлоқ хўжалик районларида об-ҳаво шароити ноқулай келганига қарамасдан, **донинг ялпи ҳосили 9 миллиард пудни ташкил қилди. Мамлакатимиз ҳали ҳеч қачон шунча миқдорда дон йиғиштириб олмаган эди.** Ўтган йили дуккакли дон экинлари ва айниқса нўхат етиштириш, шунингдек молга едириладиган қанд лавлаги етиштириш кўп миқдорда ошди.

Ўтган йилнинг куз фаслида колхоз ва совхозлар 5,3 миллион гектар ерга кузги дон экинларини экдилар ва 1961 йилдагига қараганда 12,3 миллион гектар кўпроқ ерни шудгор қилиб қўйдилар.

Давлатнинг **деҳқончилик маҳсулотлари харид** қилиши қуйидагича бўлди:

Ҳамма категориялардаги хўжаликларда харид қилинди (миллион тонна)

	1953 йил	1961 йил	1962 йил (31 декабргача)
Дон			
миллион пуд	1899	3181	3457
миллион тонна	31,1	52,1	56,6
Пахта	3,9	4,5	4,3
Қанд лавлаги	22,9	47,7	43,9
Кунгабоқар	1,8	2,9	3,1
Картошка	5,4	7,0	5,7
Сабзавот	2,5	5,5	5,9
Мева—минг тонна	1193	2303	2870
Шу жумладан узум	569	1405	1945
Чой барги—минг тонна	110	162	179

1962 йилда чорвачилик янада ривожланди. Чорва моллари рўйхатга олишнинг 1963 йил 1 январдаги маълумотлари бўйича **маҳсулдор чорва моллар** сони қуйидагича бўлди:

	Ҳамма категориядаги хўжаликлар: миллион бош	1962 йил 1 январга нисбатан процент ҳисобида	шу жумладан колхозлар, совхозлар ва давлатга қарашли бошқа хўжаликлар: миллион бош	1962 йил 1 январга нисбатан процент ҳисобида
Қорамол	86,8	106	62,4	107
шу жумладан сигирлар	37,9	104	21,8	109
Чўчқалар	69,7	105	53,6	108
Қўй ва эчкилар	146,3	101	111,0	102
шу жумладан қўйлар	139,7	102	109,9	102

Ўтган йил ичида ҳамма категориялардаги хўжаликларда қорамоллар 4,7 миллион бош, шу жумладан сигирлар 1,6 миллион бош, чўчқалар 3 миллион бош, қўй ва эчкилар 1,8 миллион бош кўпайди. Айни маҳалда ана шу ўсишнинг асосий қисми колхоз ва совхозлардаги жамоат чорва моллар ҳисобига тўғри келади.

Ҳамма категориялардаги хўжаликларда **чорвачилик маҳсулотлари етиштириш** қандай бўлганлигини қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин:

	1953 йил	1961 йил	1962 йил	1962 йилда 1961 йилга нисбатан процент ҳисобида
Гўшт (сўйилган вазнда) — миллион тонна	5,8	8,7	9,4	109
Сут — миллион тонна	36,5	62,6	64,2	103
Жун — минг тонна	235	366	370	101
Тухум — миллиард дона	16,1	29,3	30,2	103

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга асосан маҳсулдор чорва моллар туёғини кўпайтириш йўли билан эришилди. Бир қанча районларда ем-хашак етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги ишни ташкил этишда камчиликлар содир бўлганлиги орқасида ўтган йили мамлакат бўйича ўртача олганда, чорва моллар маҳсулдорлиги кўпаймади.

Маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш асосида **чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш** ошди.

Чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш (миллион тонна)

	1953 йил	1961 йил	1962 йил	1962 йилда 1961 йилга нисбатан процент ҳисобида
Чорва моллар ва парранда сўйилган вазнда	2,1	4,5	5,2	115
Сут	10,6	27,5	29,2	106
Тухум — миллиард дона	2,6	7,4	8,5	115

Давлатнинг чорвачилик маҳсулотларини харид қилиши бундан аввалги йилдагига нисбатан гарчи кўпайган бўлса ҳам, лекин колхоз ва совхозлар чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва ана шу маҳсулотларни давлатга сотишни кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан ҳали ҳам тўлиқ фойдаланмаётирлар.

III.

ТРАНСПОРТ

Транспортнинг айрим турлари планни қандай бажарганлигини қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин:

	1962 йилда бажарилган	йиллик планнинг бажарилиш процента	1962 йилда 1961 йилга нисбатан процент ҳисобида
Юк обороти — миллиард тонна-километр			
Темир йўл транспорти	1.643	101	105
Умум фойдаланишидаги дарё транспорти	109,8	101	104
Умум фойдаланишидаги автомобиль транспорти	31,7	100,1	108
Нефтепровод транспорти	74,4	104	124
Ташилган юклар — миллион тонна			
Темир йўл транспорти	2.064	100,7	105
Умум фойдаланишидаги дарё транспорти	230,0	101	103
Умум фойдаланишидаги автомобиль транспорти	1.937	99,1	106
Нефтепровод транспорти орқали юборилган	165,1	104	115

Денгиз транспорти юк обороти планини каботаж сузишда 105 процент, юк ташиш планини чет элга сузишда 104 процент бажарди, сузишнинг ҳамма турларида юк обороти бундан аввалги йилдагига нисбатан 9 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва юк ташиш таннархини камайтириш плани бажарилди.

Ҳаво транспорти пассажирлар ташишни 24 процент кўпайтирди, лекин йиллик план бирмунча кам бажарилди.

Етти йилликнинг ўтган тўрт йили ичида ҳамма турдаги транспортнинг юк обороти ана шу йиллар учун етти йиллик планда белгиланган 29 процент ўрнига 32 процент кўпайди.

Электровозлар ва тепловозлар тортувига қўчирилган темир йўлларнинг узунлиги йил охирига келиб 52 минг километр бўлди. Темир йўлларда электровозлар ва тепловозларнинг тортуви билан бажарилган юк обороти темир йўлларнинг жами юк оборотидан 1961 йилдаги 52 процент ва 1958 йилдаги 26 процент ўрнига 62 процент бўлди.

Темир йўл транспорти энг муҳим юкларни — тош кўмирни, нефть юкларни, рудани, қора металларни, дон юкларни ташиш планини тўла ва ошириб бажарди; ёғоч-тахта юкларни ташиш плани бажарилмади. Юк поездлари қатновининг участка (коммерсия) тезлигини орттириш, меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи бажарилди. Айни маҳалда юк вагони обороти вақтини, вагонларнинг юк ортиш вақтида ва техника станцияларида бекор туриб қолишларини қисқартириш, локомотивларнинг бир суткадаги ўртача қатнови соҳасида топшириқлар бажарилмади; айрим темир йўллар юк ташиш таннархини камайтириш планини бажармади. Кўпгина саноат корхоналарида вагонларни юк ортиш ва туширишда белгиланган нормадан ортиқча ушлаб қолишга йўл қўйилмоқда.

Денгиз ва дарё транспортида кемаларнинг беунум бекор туриб қолиш ҳоллари ҳали ҳам кўплаб содир бўлмоқда.

IV.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Давлатнинг капитал маблағлари ҳисобига янги асосий фондлар 1961 йилдагидан 15 процент кўп ишга туширилди. Ўтган йили халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида йирик ишлаб чиқариш қувватлари ишга солиб юборилди. Давлатга қарашли қарийб 800 та янги йирик саноат корхонаси, шунингдек ишлаб турган корхоналарда кўп миқдорда янги цехлар фойдаланишга топширилди.

Химия саноатида Чернигов ва Кировакан сунъий ва синтетик тола заводлари, Куйбишев синтетик каучук заводи, Невинномисский азот ўғит заводи, Балаков комбинатида корд ишлаб чиқарувчи корхонанинг биринчи навбати, пластмассалар ишлаб чиқарувчи янги қувватлар ишга туширилди. Минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи қувватларни фойдаланишга топшириш 1961 йилдагига нисбатан 39 процент кўпайди.

Қора металлургияда йилига жами 4,4 миллион тонна чўян бериш қувватига эга бўлган тўртта янги домна печи, саккизта мартен печи, тўртта прокат стани, Первоуральск заводида қувурларни узлуксиз прокат қиладиган цех ва Таганрог заводида қувурларни печда узлуксиз пайвандлайдиган цех ҳамда йилига 33 миллион тонна темир руда чиқара оладиган янги қувватлар ишга туширилди.

Мис, алюминий саноати корхоналарининг ҳамда **рангли металлургиядаги** бошқа тармоқларнинг **қувватлари кўпайтирилди.**

Электростанцияларда қарийб 8,5 миллион киловатт янги қувватлар ишга туширилди. Қуйидаги янги йирик электростанциялар: Қозоғистон ССРда 2-Қараганда ГРЭСи ва Олмаота ГРЭСи, Литва ГРЭСи, Озарбайжон ССРда Али-Байрамли ГРЭСи, Арманистон ССРда Ереван гидроэлектростанцияси, Тожикистон ССРда Бош гидроэлектростанция ва бошқалар фойдаланишга топширилди. 1962 йилда яна олтита турбина ишга туширилгач, Братск гидроэлектростанциясининг қуввати 2.250 минг киловаттга етди. Воткинск ГЭСида ҳар бири юз минг киловатт қувватга эга бўлган тўртта турбина ишга туширилди. Тепловой электростанцияларда 100-200 минг киловаттдан қувватга эга бўлган 18 та турбина ишга солинди. Юксак кучланишдаги электр узатувчи уникаль линиялар фойдаланишга топширилди: булар орасида 800 минг вольт кучланишга эга бўлган доимий токни саноатга узатиб берувчи ва жаҳонда ягона ҳисобланган Волгоград—Донбасс линиясининг биринчи навбати, 500 минг вольт кучланишга эга бўлган ва биринчи марта темир-бетон тирғакларга ўрнатилган Воткинск ГЭС —Свердловск электр узатиш линияси бор.

Нефтни қайта ишловчи заводларнинг қувватлари анча кўпайтирилди. Жами узунлиги қарийб 5 минг километр бўлган янги магистраль газ қувурлари, нефть қувурлари ва маҳсулот қувурлари барпо қилинди. Газ қувурлари қуриш плани ошириб бажарилди.

Йиғма темир-бетон ва йирик панеллардан уй қуриш корхоналари кўплаб миқдорда қурилди. Цемент заводларида йилига 7,8 миллион тонна **цемент** ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилди.

Енгил саноат ва **озиқ-овқат** саноати корхоналаридаги қувватлар кўпайтирилди. **Тўқимачилик** корхоналарида ўтган йили қарийб 600 мингта ип йигирадиган урчуқ ва 10 мингдан кўпроқ тўқув станоги ўрнатилди, **пойафзал** фабрикаларида йилига 7 миллион жуфт пойафзал тайёрлаб берадиган қувватлар ишга туширилди.

Жами ҳажми 5,5 миллион тоннадан кўпроқ бўлган янги **элеваторлар ва дон омборлари** қурилди.

Темир йўлларни қуриш ва электрлаштириш плани ошириб бажарилди. 1.200 километрга яқин янги **темир йўл линиялари** фойдаланишга топширилди, 2.300 километр темир йўл электрлаштирилди. **Етти йилликнинг тўрт йили ичида 8 ярим минг километр темир йўл электрлаштирилди.**

Давлат планида мўлжалланган **капитал маблағ сарфлаш** ҳажми 30,5 миллиард сўм бўлиб, 1961 йилдагига нисбатан 9 процент кўпайди. Йил давомида кўпайтирилган план 97 процент бажарилди. Қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми 18,2 миллиард сўмлик бўлиб, аввалги йилдагига нисбатан 7 процент кўпайди, йиллик план 96 процент бажарилди. Машина-ускуналарга капитал маблағ сарфлаш плани бажарилди: сарфланган маблағ ҳажми 10 процент кўпайди.

Марказлашмаган маблағлар ҳисобига 4 миллиард сўм капитал маблағ сарфланди. Колхозлар ҳам кўплаб миқдорда капитал маблағ сарфладилар.

Етти йилликнинг ўтган тўрт йили ичида давлат планига асосан сарфланган капитал маблағлар ҳажми 107 миллиард сўм бўлди ҳамда ана шу йиллар учун етти йиллик планда мўлжалланганига нисбатан қарийб 6 миллиард сўм ошиб кетди.

Айрим тармоқларга капитал маблағлар сарфлаш қуйидагича кўпайди:

	1962 йилда 1961 йилга нисбатан процент ҳисобида
Химия	108
Қора ва рангли металлургия	102
Нефть ва газ	105
Кўмир	102
Электростанциялар	107
Шу жумладан тепловой станциялар	111
Машинасозлик ва металл ишлаш	108
Ўрмончилик, қоғоз ва ёғочсозлик	113
Енгил саноат	108
Транспорт ва алоқа	107
Қишлоқ хўжалиги	122

1962 йилда қурилишда меҳнат унумдорлиги 6,5 процент ошди.

Қурилишда ҳали ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Энг муҳим ишлаб чиқариш қувватларини ва асосий фондларни ишга туширишни плани тўла бажарилмади. Маблағларни жуда кўп қурилиш ва объектларга сочиб юбориш фактлари ҳали ҳам бор. Кўпгина қурилиш ташкилотлари меҳнат унумдорлигини ошириш планини, қурилиш ва монтаж ишлари таннархини камайтириш топшириғини ва жамғарма тўплаш планини тўла бажармади.

V.

ХАЛҚ ТУРМУШИ МОДДИЙ ФАРОВОНЛИГИ ВА МАДАНИЙ САВИЯСИНИНГ ОШИШИ

Дастлабки маълумотларга кўра, ўтган йили **СССРнинг миллий даромади 161,5 миллиард сўм бўлди ҳамда 1961 йилдагига нисбатан,** солиштирма нархларда **6 процент, яъни тахминан 9 миллиард сўм кўпайди.**

Миллий даромаднинг ўсиши социалистик ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва мамлакатимиз меҳнаткашлари моддий фаровонлигини ошириш учун жамғармалар тўплашни кўпайтиришни таъминлади.

Миллий даромаднинг етти йиллик планда кўзда тутилганига нисбатан анча кўпроқ қисми социалистик ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ажратилди.

Бундан аввалги йилларда бўлганидек, меҳнаткашларнинг реал даромадлари муттасил ортиб борди. **Ҳамма меҳнаткашларнинг реал даромадлари** ишлаб турган бир киши ҳисобига етти йилликнинг 4 йили ичида 18 процент, шу жумладан ўтган йили 3 процент кўпайди.

Колхозлар томонидан давлатга сотиладиган чорва моллари ва парранданинг харид нархлари 1962 йил 1 июндан бошлаб оширилганлиги ҳамда **колхозчиларнинг** меҳнат соҳасидаги активлиги ошганлиги натижасида **уларнинг реал даромадлари** ишлаб турган бир киши ҳисобига бир йилда 5 процент кўпайди. Харид нархларининг оширилиши билан бир вақтнинг ўзида гўшт маҳсулотлари ва мол ёғининг давлат чакана нархлари ҳам оширилди, бу эса ишчи ва хизматчилар даромадларининг миқдорий ўрта ҳисобда тахминан 1,5 процент камайишига сабаб бўлиши мумкин эди. Бироқ меҳнат унумдорлигини ошириш асосида халқ хўжалигидаги **ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача иш ҳақи** 3,5 процент кўпайди, яъни чакана нархларни ошириш миқдоридан ошиб кетди. Шунинг натижасида ҳамда ижтимоий истеъмол фондларининг ўсганлигини назарда тутганда, **ишчи ва хизматчиларнинг реал даромадлари** ўрта ҳисобда 2 процент кўпайди.

Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан халқ маорифи, медицина хизмати кўрсатиш, социал таъминот ҳамда турли тўловлар ва енгилликлар учун 1961 йилдаги 26,4 миллиард сўм ўрнига 28,4 миллиард сўм олди.

Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача бир йиллик сони 68 миллион 400 минг киши бўлиб, бир йилда 2 миллион 600 минг киши ёки 4 процент кўпайди.

Бундан аввалги йиллардаги сингари 1962 йилда ҳам мамлакатда ишсизлик бўлмади.

Аҳолининг омонат кассаларга қўйган пуллари бир миллиард сўм кўпайиб, йил охиригача 12,7 миллиард сўм бўлди, омонатчилар сони эса 53 миллион кишига етди.

Давлат ва кооператив савдосининг **чакана товар обороти ҳажми** 86,3 миллиард сўмлик бўлди ёки планга нисбатан 0,2 миллиард сўмлик кам бўлди. **Бундан аввалги йилдагига нисбатан чакана товар оборотининг ҳажми 6,1 миллиард сўмлик ёки** солиштирма нархларда **6 процент кўпайди.** Қишлоқ жойларда савдо-сотиқ қилувчи матлубот кооперациясининг чакана товар обороти 9 процент ошди. Умуман савдо плани тўла бажарилмагани ҳолда, умумий овқатланиш плани ошириб бажарилди.

Давлат ва кооператив савдосида айрим товарларни сотиш қуйидагича ўзгарди:

	1962 йилда сотилгани 1961 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Гўшт, колбаса маҳсулотлари ва бошқа гўшт маҳсулотлари	104
Балиқ, сельд ва бошқа балиқ маҳсулотлари	105
Мол ёғи	97
Усимлик ёғи	107
Сут ва сут маҳсулотлари	101
Пишлоқ	109
Тухум	117
Қанд-шакар	109
Кондитер маҳсулотлари	106
Чой	106
Сабзавот	106
Цитрус мевалар	104
Ип газламалар	96
Жун газламалар	91
Шойи газламалар	108
Устки ва ички кийим-кечак	112
Трикотаж буюмлар	113
Пайпоқ	108
Кўн пойафзал	107
Чинни-фаянс ва шиша идишлар	104
Совун	103
Мебель	115
Тикув машиналари	90
Холодильниклар	118
Кир ювиш машиналари	137
Пилесослар	120
Ҳамма турдаги соатлар	115
Мотоцикл ва мотороллерлар	110
Велосипед ва мотовелосипедлар	111
Радиоприёмник ва радиолалар	94
Телевизорлар	109
Енгил автомобиллар	107

Аҳолининг баъзи бир товарларга бўлган талаби тўлиқ қондирилмади. Кўпгина саноат корхоналари халқ истеъмол қиладиган бир қанча товарларнинг, хусусан кийим-кечак, пойафзал ва газламаларнинг сифатини оширишга ҳамда ассортиментини яхшилашга лозим бўлганича эътибор бермадилар; савдо ташкилотлари аҳолига манзур бўлмаган товарларни қабул қилишдан бош тортиш ҳақида ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқдан кўпинча фойдаланмадилар, шунинг натижасида магазинларда товарлар кўплаб ётиб қолди.

Совет Иттифоқининг чет эл мамлакатлари билан ташқи савдосини муваффақиятли ривожлантириш давом эттирилди. 1962 йилда ташқи савдо обороти 11,8 миллиард сўмлик бўлди. Бир йил ичида СССР ташқи савдосининг обороти ҳамма мамлакатлар билан 11,5 процент, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида қатнашувчи малакатлар билан эса 17 процент ошди. Иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатлар билан ташқи савдо обороти 30 процентдан зиёд кўпайди.

Мамлакат экономикасининг янада ривожланганлиги, товар оборотининг ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг кенгайганлиги ҳамда омонат кассаларига қўйилган пулларнинг кўпайганлиги **ўтган йили пул муомаласининг барқарор бўлишини таъминлади ва сўмнинг халқ хўжалигидаги ролини оширди.**

Халқ маорифи, фан ва маданият соҳасида янада янги ютуқларга эришилди.

Қарийб 60 миллион киши ёки мамлакатдаги бутун аҳолининг тўртдан бир қисми таълимнинг турли хилларига жалб этилган. Ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларини ҳам қўшганда, биргина умумий таълим мактабларининг ўзида 42 миллион киши ёки ўтган ўқув йилидагига нисбатан 3 миллиондан кўпроқ киши ўқимоқда. Мактаб-интернатларда, куни узайтирилган мактаблар ва группалардаги ўқувчилар сони икки миллион кишидан ошади ёки ўтган йилдагидан 556 минг киши кўпдир.

800 мингдан ортиқ киши етуклик аттестати олди, шуларнинг ярмидан кўпи ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларида ўрта маълумот олди.

Билимнинг ҳамма тармоқларида малакали мутахассислар тайёрлаш кўпайди. Олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларида 5,6 миллион киши, шу жумладан олий ўқув юртларида 2,9 миллион киши билим олмоқда. Ўтган йили халқ хўжалиги 770 мингдан кўпроқ мутахассис олди, шулардан 319 минг киши олий маълумотлидир, шу жумладан 120 мингдан кўпроқ киши инженердир. Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилинган студентлар орасида 180 минг киши ёки 59 процентни камида икки йиллик амалий иш стажига эга бўлган кишилар ташкил этади.

7 миллионга яқин киши, шу жумладан ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларида қарийб 4 миллион ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 3 миллион киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олмоқда.

Илмий муассасаларда, олий ўқув юртлари ва бошқа ташкилотларда ишлаб турган илмий ходимлар сони 1962 йил охирида 450 минг кишидан ортиқ бўлди.

Киноустановкалар сони 119 мингдан ошиб кетди ва 5 мингга кўпайди, киносеансларни томоша қилиш сони эса қарийб 4 миллиард бўлди ҳамда бундан аввалги йилдагига нисбатан 100 миллион кўпайди.

Ўтган йили тиражи бир миллиард нусхадан кўпроқ миқдорда китоблар нашр этилди; газета ва журналларнинг тиражи кўпайтирилди.

Уй-жой қурилиши ва маданий-маиший қурилиш катта миқёсларда олиб борилди. Давлат маблағлари ҳамда давлат кредити ёрдами билан аҳоли маблағлари ҳисобига ўтган йили шаҳарлар ва ишчи посёлкаларида **умумий саҳни 81 миллион квадрат метрдан кўп бўлган уй-жойлар, яъни 2 миллиондан ортиқ янги шинам квартиралар фойдаланишга топширилди.** Айни маҳалда давлатнинг уй-жой қуриши ҳисобига умумий саҳни 60 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган ёки 1961 йилдагидан 7 процент кўп уй-жой фойдаланишга топширилди; бироқ уй-жой қурилиши плани бажарилмай қолди. **Бундан ташқари, қишлоқ жойларда колхозчилар ва интеллигенция давлат ва колхозларнинг кредити ёрдами билан 450 мингга яқин уй қуриб олди. Ўтган йили мамлакатда қарийб 12 миллион киши янги квартираларга кўчиб кирди ҳамда ўз уй-жой шароитини яхшилаб олди.**

Уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг маълум қарори қабул қилинганидан кейин **ўтган олти йил ичида,** яъни 1957 йил 1 январдан 1963 йил 1 январгача бўлган давр ичида **шаҳарлар ва ишчи посёлкаларида 12 миллион квартира, қишлоқ жойларда эса 3,8 миллиондан кўпроқ уй қурилди. Қарийб 75 миллион киши, яъни мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисми янги уйларга кўчиб кирди ва уй-жой шароитларини яхшилаб олди.**

Маориф, маданият, фан ва соғлиқни сақлаш муассасалари қурилишига давлат сарфлаган капитал маблағлар миқдори кўпайди. Давлат планига асосан ажратилган маблағлар ҳисобига 1961 йилдагига нисбатан 24 процент кўп умумий таълим мактаблари, 33 процент кўп мактабгача болалар муассасалари ва 31 процент кўп касалхона ва поликлиникалар фойдаланишга топширилди. Айни маҳалда кўпгина республика ва областларда ана шу муассасаларни фойдаланишга топшириш плани тўла бажарилмади.

Уй-жойларни газлаштириш соҳасида катта ишлар қилинди. Ўтган йили газлаштирилган квартиралар сони бир миллион 150 минг ёки 26 процент кўпайди. Аҳолига ҳамда корхона ва муассасаларнинг коммунал-маиший эҳтиёжларига газ бериш 22 процент кўпайтирилди.

Шаҳарлар ичидаги транспортнинг ҳамма турлари билан пассажирлар ташиш 8 процент кўпайди. Шаҳар транспортининг ҳаракат состави янги трамвай вагонлари, троллейбуслар, автобуслар, таксомоторлар ва метрополитен вагонлари билан тўлдирилди.

Аҳолига медицина ёрдами кўрсатишни яхшилаш давом эттирилди. Касалхоналар, туғруқхоналар, диспансерлар, хотин-қизлар ва болалар консультациялари, санитария-профилактика ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларининг шохобчаси кенгайтирилди. Ўринлар сони даволаш муассасаларида қарийб 100 мингта, санаторийлар, дам олиш уйлари ва пансионатларда қарийб 20 минг кўпайтирилди, болалар боғча ва яслиларидаги болалар сони 600 мингдан кўпроқ ошди. Бир йилда врачлар 22 минг киши кўпайди.

Совет Иттифоқининг аҳолиси бир йилда 3,3 миллион киши кўпайиб, **1963 йил 1 январда 223 миллион кишидан ошиб кетди.**

* * *

Йиллик планнинг бажарилиш якунлари СССР экономикаси ва маданияти муттасил юксалиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Бу якунлар ўтган йили совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш ишида яна илгарига қараб қадам қўйганлигини кўрсатмоқда.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

БИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ПРАКТИКА БИЛАН БОҒЛАНИШИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

Биология, қишлоқ хўжалиги фанлари ва медицина фанлари соҳасида энг муҳим вазифаларни ҳал қилиш билан шуғулланаётган совет олимларининг куч ва ғайратини бирлаштириш мақсадида СССР Фанлар академиясининг, иттифоқчи республикалар фанлар академияларининг, илмий муассасалари, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, СССР Медицина фанлари академияси ва олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни яхшилаш зарур, деб топилди.

СССР Фанлар академиясига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ва В. И Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясига, СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига ва СССР Медицина фанлари академиясига, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига биологиянинг энг муҳим проблемаларига доир илмий тадқиқот планларини координациялаш, биология фанида мичуринчилик йўлини бутун чоралар билан ривожлантириш, химиянинг қишлоқ хўжалиги ва медицинага хизмат қилаётган соҳасида тадқиқотларни, биохимия, вирусология, микробиология ва физиологияга доир тадқиқотларни анча кенгайтириш вазифаси топширилди.

СССР Фанлар академиясининг, иттифоқчи республикалар фанлар академиялари биологик илмий тадқиқот муассасалари ва университетлар организмлар тараққиётининг асосий биологик қонуниятларини ўрганишга, тирик организм физикаси ва химиясининг перспектив проблемаларини ишлаб чиқишга биринчи навбатда эътибор беришлари лозим.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг, иттифоқчи республикалар қишлоқ хўжалик министрликларининг илмий тадқиқот муассасалари ва қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари ўсимликларнинг сермаҳсул навларини ва чорваларнинг сермаҳсул зотларини муайян мақсадли кўзлаб етиштириш методларини ишлаб чиқишга, деҳқончиликнинг интенсив системаларини ишлаб чиқишга ва қишлоқ хўжалигини химизациялаштиришга биринчи навбатда эътибор беришлари лозим.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ва СССР Медицина Фанлари академиясининг, иттифоқчи республикалар соғлиқни сақлаш министрликларининг илмий тадқиқот муассасалари ва медицина олий ўқув юртлари касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволашнинг назарий асосларини ва амалий методларини ишлаб чиқишга биринчи навбатда эътибор беришлари лозим.

СССР Министрлар Советининг Илмий тадқиқот ишларни координациялаш давлат комитети, СССР Халқ хўжалиги кенгаши, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва СССР Министрлар Советининг Химия давлат комитети илмий тадқиқот ишларининг натижаларини практикага тезроқ жорий қилиш чораларини кўришлари лозим.

СССР Фанлар академиясига, иттифоқчи республикаларнинг фанлар академияларига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига ва В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясига, СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига ва СССР Медицина фанлари академиясига, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига биологик илмий тадқиқот муассасаларидаги илмий ишларнинг берадиган натижасини ошириш мақсадида шу муассасаларга раҳбарликни кучайтириш, шунингдек уларнинг асосий куч ва ғайратини фаннинг қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва озиқ-овқат саноатининг амалий вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишга ёрдам берадиган туб масалаларини ишлаб чиқишга қаратиш таклиф қилинди.

СССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлигига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига ва СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига генетикани, физиологияни, биохимияни, биофизикани, цитологияни, микробиологияни, вирусологияни ва агрохимияни ўқитишни яхшилашни назарда тутиб, университетлар, қишлоқ хўжалик, медицина, педагогика ва бошқа олий ўқув юртларининг биология ихтисосларига доир ўқув планларини ва программаларини уч ой муддат ичида кўриб чиқиш: генетика, физиология, биохимия, биофизика, цитология, микробиология, вирусология ва биологиянинг бошқа бўлимларига доир фаннинг замонавий даражасига жавоб берадиган дарсликлар яратишни икки йил муддат ичида таъминлаш вазифаси топширилди. Дарсликлар яратмоқ учун тегишли мукофотлар белгилаб, конкурслар эълон қилиш топширилди.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ва СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги бир қанча университетларнинг биология факультетларида ва баъзи медицина институтларида биофизика, биохимия бўлимларини ҳамда цитология ва вирусология ихтисослашган кафедраларини ташкил этишлари, шунингдек физика факультетларида биофизика бўлимларини (кафедраларини) ва химия факультетларида табиий бирикмалар химияси бўлимларини (кафедраларини) тузишлари лозим.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги билан келишиб, 1963 йилда олий ўқув юртларининг йирик кафедралари ҳузурида Мичурин биологияси, биохимия, биофизика, цитология, микробиология, вирусология соҳасида проблем лабораториялар ташкил этишлари, шу мақсадда илмий ходимлар, техника ходимлари сонини кўпайтиришни ҳамда шу лабораториялари жиҳозлаш ва уларнинг харажатлари учун маблағлар ажратишни кўзда тутишлари лозим.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига бир қанча тармоқ ва зона қишлоқ хўжалик институтларида қишлоқ хўжалик биологияси бўлимларини ташкил этишга рухсат берилди.

СССР Халқ хўжалиги кенгашига СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, СССР Фанлар академияси ва иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари билан бирга қуйидаги вазифаларни бажариш топширилди:

илмий тадқиқот муассасаларининг, олий ўқув юртларининг ва ишлаб чиқариш ташкилотларининг генетика, физиология, биофизика, биохимия, цитология, микробиология, вирусология ва агрохимия ихтисосларига эга мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашни назарда тутиб, шу ихтисослар бўйича 1963—1965 йилларда студентлар қабул қилиш планлари уч ой муддат ичида ишлаб чиқилсин;

илмий тадқиқот муассасаларининг ва олий ўқув юртларининг малакали илмий кадрларга бўлган эҳтиёжига мувофиқ, генетика, биохимия, биофизика, цитология, микробиология ва вирусология бўйича 1963 — 1965 йилларда аспирантлар қабул қилиш плани уч ой муддат ичида ишлаб чиқилсин ва белгиланган тартибда тасдиқлансин.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги билан бирга 1963 йилдан бошлаб олий ўқув юртларининг Мичурин биологияси, биохимия, биофизика, цитология, микробиология ва вирусология соҳаларидаги ўқитувчиларининг малакасини оширадиган 1-2 ойлик курслар ташкил этишга рухсат берилди.

СССР Министрлар Советининг Илмий тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитетига, СССР Халқ хўжалиги кенгашига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига, СССР Министрлар Советининг Атом энергиясидан фойдаланиш давлат комитетига, СССР Министрлар Советининг Химия давлат комитетига ва СССР Фанлар академиясига биология соҳасидаги илмий тадқиқотларни, қишлоқ хўжалиги тажрибакорлигидаги кичик ҳажмда бўлган ишларни механизациялашни таъминламоқ учун тажриба-конструкторлик ишларини кенгайтиришга ҳамда замонавий асбоблар, аппаратлар ва лаборатория ускуналари ишлаб чиқаришга доир, шунингдек ишлаб чиқарилаётган химикатлар, биохимик препаратлар ва нишонланган бирикмаларнинг хилларини анча кўпайтиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш ва уч ой муддат ичида СССР Министрлар Советига кўриб чиқиш учун тақдим этиш топширилди.

Давлат Медицина адабиёти нашриётига, Қишлоқ хўжалик адабиёти нашриётига ва СССР Фанлар академиясининг нашриётига умумий биология, генетика, биохимия, биофизика, вирусология, микробиология, физиология ва агрохимиянинг актуал проблемаларига доир монографиялар ва обзорлар нашр этишни 1963 йилдан бошлаб кўпайтириш таклиф қилинди. Чет эл адабиёти нашриётига ва бошқа нашриётларга мазкур фанларга доир дарсликларни, монографияларни ва обзорларни таржима қилиб, нашр этишни кўпайтириш таклиф қилинди.

ОҲАНГАРОН ЧИРОҚЛАРИ

Чироқлар, чироқлар, ёрқин
чироқлар,
Иқболимиз каби порлоқ чироқлар,
Шуълангиз тушмаган хона
қолмасин,
Нурингиз чўлларда мангу
порласин.

Виқор ва салобатли оқсоч тоғлари кўкси қора олтину, кумуш нурларга қон бўлган Оҳангарон, унинг ажойиб меҳнатсевар кишилари кимларга маълум эмас! Ҳа, асрий уйқуда ётган бу тоғларни жўшқин ҳаёт, ижодий меҳнат мухлислари бўлган совет кишилари уйқудан уйғотди, унинг кўксидаги беҳисоб хазиналар эшигини очди. Оҳангарон шоирлар қўшиғининг жилоси, созандалар куйининг таронаси бўлиб қолди.

Оҳангарон ГРЭСи—Ўрта Осиёдаги энг йирик электростанция. Улкан станцияда ҳамиша ҳаёт қайноқ.

Тун. Кўкда юлдузлар чамани. Шаҳар кўксида Ильич чироқлари жилваланади. Қорли тоғлардан эсаётган ғир-ғир шаббада электр лампочкаларини аллалаб тебратади. Кўкда юлдузлар милтиллайди. Табиат юлдузлари билан инсон қалби, куч-қудратининг саҳовати—электр нурлари ўртасида бахс бошланади. Аста-секин тонг ота бошлайди. Табиат чироғи — юлдузлар сўнади. Инсон чироқлари эса ҳамон нур сочади, порлайди. Улкан ГРЭС ҳамон нур, зиё тарқатади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида бўлганидек бу ердаги нурчилар орасида ҳам хотин-қизлар кўп. Ўзбекистондан ташқари Жанубий Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ерларини нур билан таъминлашда ГРЭС ишчилари, айниқса хотин-қизларнинг хизмати катта. Хотин-қизлар энг асосий участкалардаги ишларни ҳам бошқарадилар.

ГРЭСнинг химия цехидамиз. Капиталина Никитична Шчербакова бригадирлик қилаётган бу цехга яқинда коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли ном берилди. Шчербакова бошлиқ 33 қизнинг ҳаммаси ёш, навқирон, кўкси нурдай беғубор ҳароратга тўлган кишилар. Цех қизлари ГРЭСни филтрланган тоза сув билан таъмин этади. Анҳорларда ҳайқириб оқаётган сув составида неча хил туз ва бошқа моддалар борлигини ким билмайди дейсиз. ГРЭС учун эса ҳар қандай тузлардан холи бўлган тоза мусаффо сув керак. Қизлар ҳар куни нечанеча кубометр сувни химиявий усуллар билан тозалаб буғ қозонларига узатадилар.

Цех қизлари ўз иш процессида қўлга киритган ютуқ ва тажрибаларини Москвадаги 19-электростанция ишчилари билан ўртоқлашиб туришади. Москвалик электрчи қизлар билан Оҳангарон нурчи қизлари ўзаро социалистик мусобақа ўйнашган.

— Ҳозирча дейишади оҳангаронлик нурчилар, — мусобақада орқада қолаётганимиз йўқ.

Цех қизлари коммунистчасига ишлаш ва яшашда ГРЭСнинг бошқа цех аъзоларига ҳам намуна кўрсатаётирлар. ГРЭСда биринчи бўлиб табелсиз иш куни, кассирсиз маош олишни жорий этганлар шу химия цехининг қизлари. Жамоатчилар, сайлов участкаларининг агитаторлари шу қизлар. ГРЭСда химия цехининг қизлари ташаббуси билан техника машғулоти мунтазам ўтказиб турилади. Цех ишчиларидан Э. П. Чернишева кечки политехника институтида, Л. А. Сергиенко, Т. Соколова, Л. Бобошколар техникумларда ўқийдилар. Л. А. Бережная шаҳар Советининг депутати, шаҳар комсомол комитети қошидаги ревизия комиссиясининг раиси.

Қизлар ГРЭСда ташкил қилинган бичиш ва тикиш тўгарагига ҳам қатнаб туришади. Яхши ишлаган киши, айниқса ёшлар яхши кийинишни ҳам билиши керак-да! Химия цехи аъзоларининг деярли ҳаммаси ёш оналар бўлганидан цех қошида тез-тез бола тарбиясига оид, оила масалаларига бағишланган қизғин суҳбатлар, мунозаралар ўтказиб турилади. Ёш оналарнинг талабига биноан ГРЭС қошида болалар яслиси ҳам очилган.

Биз қизларнинг изланиш, яратиш, ижод қилишга бўлган интилишларини кўриб беҳад қувондик. Уларнинг кундалик қайноқ ҳаёти, меҳнат фаолияти билан танишган киши гўё мазмунли китоб саҳифаларини ўқигандай мароқланади. Уларнинг ҳар бири иш сифатини яхшилаш, юқори босқичларга кўтариш фикри билан яшайди. Мана, кичик бир мисол: бак ва қувурлардаги сувларнинг узоқ туриб қолиши натижасида занглаш ҳосил бўларди. Қизлар узоқ вақт ана шу занглашнинг олдини олиш ҳақида ўйладилар. сувга аммиак қўшиш натижасида занглашга барҳам берилди. Шунингдек, сув сосгавидаги металлни емирувчи газ ҳам тозалаш процессида йўқ қилинади.

Бирон корхонада ишлаб коммунистик жамият қурилишига муносиб ҳисса қўшиш Муқаддамнинг илк орзуси эди. Шунинг учун ҳам техникумни битиргач ўзини иш қучоғига отди. Баъзи бировларга ўхшаб диплом олиш учунгина ўқимагани туфайли иш Тошкентдан анча олисда бўлиши уни чўчитмади. 1960 йилда Оҳангарондаги ГРЭСга ишга юборилди. ГРЭС маъмурияти ва партия ташкилоти оддийгина, ишни жони-дили билан бажариб юрган Муқаддамда бирон касбни эгаллашга интилиш борлигини пайқади ва унга кўмаклашди.

Биз қулоқларни битиргудай шовқин солиб ишлаётган турбина цехидан ўтиб, шчит жойлашган! катта хонага кирдик. Бу хонадаги кўплаб контроль-ўлчов асбоблари, сигнал аппаратлари, бошқарув пульти ва схемалардан иборат мўъжизанинг бешовқин, тинч ишлаётгани бизни ҳайратда қолдирди. Бу ерни ГРЭСнинг юраги деб аташади. Муқаддам тез орада ана шу юракни бошқаришни ўз қўлига олди. Станциянинг бутун иши бошқариладиган шчитдаги мураккаб ишни эпчиллик ва дадиллик билан бажараётган ёш ўзбек қизига қараган ҳар қандай кишининг ҳаваси келади.

— Муқаддам меҳнатсевар қиз, — дейди унинг ҳақида сўз борганда ГРЭС партия ташкилотининг секретари ўртоқ А. Базанов, — иш даврида у бирон марта бўлсада аварияга йўл қўймади. Станциямизда уни ҳамма ҳурмат қилади.

Коммунизм моддий-техника базасини яратишга муносиб ҳисса қўшиш вазифаси ҳар бир совет кишисидан ижодий меҳнат қилишни талаб этади. Буни яхши билган Муқаддам ўз бурчини аъло бажариш билангина кифояланиб қолмай, ишда бирон янгилик яратишга ҳаракат қилади. Унинг бу интилиши зое кетмаётир. Қисқа вақт ичида у шчитнинг бош схемасини яхшилашга қаратилган тўртта муҳим таклиф киритди. Унинг генераторлар ишини яхшилаш, трансформаторлар сигнализация схемаларини соддалаштириш ва бошқалар юзасидан берган таклифлари ана шулар жумласидандир.

Бир қарашда ушоққина кўринган бу қизнинг юрагида тоғ-тоғ режалар бор. Унинг умр йўлдоши А. Мансуров ГРЭСда навбатчи инженер бўлиб ишлайди. Муқаддам ҳам ундан орқада қолишни истамайди. У инженер-энергетик бўлмоқчи. Шу мақсадда ҳозир Тошкент политехника институтига ўқишга кириш учун тайёргарлик кўраётир.

ГРЭСнинг муҳим участкасида ишлаш, оила тебратиш билан бирга Муқаддам жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. Бу актив жамоатчи қизнинг номини Оҳангароннинг қаҳрасидан кичигигача ҳурмат билан тилга олади. Ўз ҳурмат ва ишончларининг ифодаси сифатида ўтган сайловларда М. Мансуровани шаҳар Советининг депутати қилиб сайладилар. Муқаддам ҳам ўз навбатида уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилиб, берилган наказларни бажаришга эришмоқда. Сайловчилар унинг ишидан ҳурсанд.

ГРЭСда Мансурова билан баслашаётган яна бир қиз бор. У Муқаддамнинг ҳамкасаби — бош шчитнинг навбатчиси Моҳира Аҳмедовадир. Моҳира ҳам дугонасидан қолишмасликка тиришади. Улар ҳам дўст, ҳам мусобақадош.

Оҳангароннинг фахри бўлган бу ГРЭСда К. Шчербакова, М. Мансурова ва М. Аҳмедова сингари ижодий меҳнатлари билан коллективнинг ҳурматини қозонган аёллар анча бор. ГРЭСнинг қайси цехига кирманг, қайси участкасига борманг, уларда илғор хотин-қизларни албатта топасиз. Улар мураккаб техникани бошқаришга қодир эканликларини амалда кўрсатаётирлар. Автомат цехининг мастери И. Умарова, ёқилғи-транспорт цехининг мотористлари Л. Акопова. И. Мугалова ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Уларнинг бири ускуналарни мукаддатидан илгари сифатли ремонт қилиш билан донг чиқарган бўлса бошқа бирови авариясиз ишлаш жамоат ишларида актив қатнашиш билан ҳурмат қозонган.

Оҳангарон чироқлари узоқ-узоқларгача нур, ҳаёт бахш этаяпти. Нур яратаётган энергетиклар нур ярагаётган севимли қизлар офарин!

Э. ОХУНОВА,
К. ЮМАЕВА.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Оҳангарон цемент заводининг учинчи айланма печини муддатидан бир ой илгари фойдаланишга топшириш учун социалистик мусобақа қизғин кетмоқда. СУРАТДА: илғор пайвандчилардан И. КОНДРАТЬЕВ ва А. ПОНОМАРЕНКО ўртоқлар.

В. Кожевников фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚУРБОНОВНИНГ ЮЗ ТУБАН КЕТИШИ

«Октябрь» колхозининг раиси Қурбонов декабрининг совуқ кунларидан бирида эрталаб қишлоқ касалхонасига кириб келди. Медицина ходимлари артель раиси бетоб бўлиб қолгандир деб ўйлаб, унга ёрдам кўрсатишга тайёр бўлиб турибмиз эди. Врач меҳмон билан хушнуд саломлашди, лекин бирдан сесканиб кетди. «Касалнинг юзида беморликдан асар ҳам йўқ эди-ю, лекин унинг кўзи ғазабдан ёнарди.

— Бирор ерингиз оғриятпими? — деб сўради врач чўчиб.

— Йўқ, — деб жавоб қайтарди Қурбонов ва унинг қошлари ғазабнок чимирилди. — Мен касалхонани ёпиб қўйгани келдим.

Медиклар кутилмаган бу воқеадан ҳанг-манг бўлиб қолишди. Улар раисга жимгина қараб туришарди.

— Ҳа, ҳа, касалхонани ёпгани келдим! — деб бақирди Қурбонов.

— Ахир палаталарда ўрнидан туролмайдиган беморлар бор, уларни қаерга қўямиз?

— Бу менинг ишим эмас. Мен касалхонани ёпаман.

Врачлар қаршилик кўрсатишга урониб кўришди. Улар касалхона колхоз раисига эмас, балки республика Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашлидир, касалхона давлат бюджети ҳисобида туради дейишди.

— Касалхона колхознинг ерида турибдими, вассалом, демак менга тобе!

Шундай қилиб, бутун бир колхоз қишлоғи аҳолисининг кўзи олдида ақлга сиғмайдиган, ваҳший бир манзара намоён бўлди. Шифохонадан беморларни мажбуран чиқариб ташлай бошладилар...

Эҳтимол, колхоз правлениесининг аъзолари раисни бу бемаъни хатти-ҳаракатдан тийиб қўйишга уринишгандир, унинг қулоқ эшитмаган зўравонлигидан ғазабланиб, район маъмурларига шикоят қилишгандир? Афсуски, бундай қилишгани йўқ. Аксинча, раис ўринбосари Чориев, правление секретари Очилов, бухгалтер Рустамов ҳамма айбни медицина ходимларига тўнкашга тайёр эдилар. Гўё улар раис Қурбоновни ранжитган эмишлар, Қурбонов эса бутун республикага машҳур киши, хизмат кўрсатган раис, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати. Бераҳм медиклар унинг кайфини бузишга журъат қилишибди. Афтидан улар ким билан гаплашаётганликларини яхши билмайдиганга ўхшайдилар.

Хўш, касалхонанинг айби нима, бу касалхона нима сабабдан шундай юксак ишонч ва ҳурматга сазовор кишининг ғазабига дучор бўлди?

Бу ишнинг тафсилоти тўсатдан аён бўлиб қолди. Маълум бўлишича, Қурбонов медицина ҳамшираси К. га ишқ-муҳаббат изҳор қилган, лекин К. иши ўнгидан келмаган ошиқнинг хиралигини кескин даражада рад этган. Шундан кейин Қурбонов ақлини бутунлай йўқотиб қўйиб, ўчини қишлоқ касалхонасидан олган.

«Октябрь» колхозида бўлиб ўтган бу воқеа Қоракўл район партия комитетига ҳам, Бухоро область ташкилотларига ҳам маълум қилинди, албатта. Бироқ шуниси қизиқки, бу сигналлар ҳеч кимни ташвишлантирмади! Шикоятлар лойқа сувда чўкиб кетгандек беиз қолиб кетаверди. Қоракўл район партия комитетининг собиқ секретари Жумаев ва бошқа раҳбарлар қудратли Қурбоновнинг олдида гўё безгак тутгандек титрашарди. Бўлмаса-чи, ахир, у областга ва республикага машҳур киши-да! Қурбонов—энг юқори ҳосил олдиган колхознинг раҳбари. Унга қарши оғиз очиш хавфли.

Ваҳоланки Қурбонов раҳбар бўлган колхознинг мўл ҳосил олиши ва бошқа эришган муваффақиятлари ҳам текширишда ҳаддан ташқари ошириб кўрсатилганлиги маълум бўлиб қолди. Қурбонов бир неча йил мобайнида қўшиб ёзиб, давлатни виждонсизлик билан алдаб келганлиги аён бўлди. У анчагина пахта майдонини ҳисобга киритмасдан яшириб келган, шундай қилиб, ҳосилдорликни ошириб кўрсатган ва ҳамиша илғорлар рўйхатида бўлиб келган. Масалан, колхоз 1961 йилда 1721 гектар майдонга чигит эккан, ҳисобда эса фақат 1285 гектар майдонга чигит экилди деб кўрсатилган. Экин майдонининг 34 процентти ҳисобдан яшириб қолинган.

Қурбонов бултур ҳам худди шундай усул билан «яхши» кўрсаткичларга эришган. У 329 гектар ерни статистика органларининг ҳисобидан яшириб қолган. Оқибатда умумий ҳосилдорлик колхозда бирданига сакраб кетган.

Бу одамнинг қўлидан келмайдиган ҳийла-найранг йўққа ўхшайди. У, нима қилсаи ҳам бўлаверади, деб қаттиқ ишонган. Қизиғи ҳам шундаки, узоқ вақт мобайнида Қурбонов ҳар қандай найрангбозликни қилиб келган ва унинг найранглари очиб ташланмаган. Бир неча йиллардан буён у колхоз пулларини, жамоат бойлигини беҳаёларча ўғирлаб келган-у, ҳеч қандай жазога учрамаган. Қурбонов чорвачилик фермасининг мудири Чориев билан бригаликда колхознинг 28 та сигири ва уч юз олтмиш етти бош қўйини ўғирлаган. Ҳозир артелда шунча мол етишмайди. Ваҳоланки Қурбонов билан Чориевнинг шахсий қарамоғида 400 бошга яқин қўйи бор. Бир бутун отардаги қўйлар артелчинг емхашаги билан боқиляпти, бу қўйларга колхоз чўпонлари қарайдилар.

Қурбонов ҳар қандай қонунсизликни амалга ошириш, колхоз бойлигини талон-торож қилиш учун колхознинг раҳбарлик постларига асосан ўз қариндош-уруғларидан иборат содиқ ёрдамчиларни қўйган. Бухгалтер Барноев, кассир Элов ва Ҳасанов, правление секретари Очилов, ўша Чориев ўз ғоялари билан биргаликда колхоз кассасини очиқдан-очиқ талаб келишган. Улар қалбаки ведомостлар тузиб, неча ўн минг сўмлаб пул олишган, магазиндан қиммат баҳо нарсалар олиб, пулини арзгель маблағидан счёт орқали тўлаб келганлар.

Айниқса, улар Красноярск ўлкасидан ёғоч сотиб оламиз, деб чўнтакларини роса қаппайгирганлар. Ҳисоб-китобни чалкаштириб юбориш учун ёғочларни доналаб қабул қилиб, сарфига келганда кубометрлаб ҳисоблашган. Бир вагон ёғоч бутунлай кирим ҳисобига олинмаган.

Қурбонов ва унинг ҳамтовоқлари шундай ножўя оёқ босишганки, бунга таажжубланасан, киши. Қиммат баҳо мебеллар сотиб олишади, ичкиликбозлик қилишади, ҳар йили курортларга боришади. Буларнинг ҳаммаси учун колхознинг маданият фондига ажратилган маблағларидан тўланади. Колхознинг кассаси қуриб кетяптию, аммо Қурбонов ва унинг шериклари ўз ҳафсларини тийишни ўйлашмайди. Чунки улар кўпдан буён ўз чўнтакларини колхоз кассасидан ажратолмайдиган бўлиб қолишган.

Қурбонов ва унинг ҳамтовоқлари тўдасидан ҳар бири ўзига беш, етти хонали шоҳона бинолар қуриб олишган-у, аммо қишлоқда ёнма-ён яшаётган меҳнаткашлар учун бирорта уй қурилмаган. Қурбонов ўзига 32 хонали уй қуриб олган, бундан ташқари у Тошкентда ҳам уй сотиб олган. Бу уйни ўғли Остонанинг номига ўтказган. Аммо уй Қурбоновга кўримсиз туйилган. Уй сотиб олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатни расмийлаштириш биланоқ раис колхоз ёғочларини юклаб, бу бинони кенгайтириш ва атрофида айвон қуриш учун артель дурадгорларидан бир группасини республика пойтахтига жўнатган. Бу ердаги ишлар кўз очиб юмгунча битказилган. Колхоз усталарининг қўли билан ҳашаматли бино вужудга келгандан кейин Қурбонов уни уч баравар қимматига пуллаб, дарҳол ўзига Самарқанддан бошқа уй сотиб олган. Колхоз усталарининг эса қишлоқка қайтиб боришини тақиқлаб қўйган. Уларни бошқа жойдаги ишга ўтказган. Дурадгорларга Бухоро область партия комитетининг собиқ секретари ўртоқ Ризаевнинг Тошкентда қурилаётган уйига бориб кўмаклашишни буюрган. Қурбонов бу «объект»га ҳам ёғоч-тахта юборган... Беихтиёр ўйлаб қоласан: Бухоро область партия комитети Қурбоновнинг найрангларини кўра-била туриб уни бу қадар талтайтиб юборганлигининг боиси шу эмасми? Эҳтимол, еган оғиз уялди деганларидек, колхоз ёғочи ўзининг оғирлиги билан ўртоқ Ризаевнинг виждонини босиб қўйгандир ва унинг виждонини ғафлат босгандир?

Қурбонов маккорлик, оғиз мойлаш, алдаш, мунофиқлик билан амалга миниб келган. У виждони нопок ҳар қандай киши сингари софдил меҳнаткашларга нафрат билан қараган ва уларнинг қаршилигини сал сезиши биланоқ қаттиқ таъқиб қилиб келган.

Қурбонов негадир колхозчи Ғойпновни ёмон кўриб қолиб, уни судга бергиси келиб қолган. Бунинг учун у тракторчи Ўлмас Жумаевдан гўё Ғойпов колхоз тракторини синдирди деб айтишни талаб қилган. Албатта, Жумаев ўз ҳамкишлоғига хиёнат қилишдан бош тортган, шундан кейин Қурбонов уни шафқатсиз равишда дўппослаб урган. Олтмиш ёшли Оймурод Жўраев колхоз раисига нимаси биландир ёқмай қолган. Дарҳол унга «иш» очилган. Район суди Қурбоновнинг таъсири остида қариянинг... безорилиги учун бир йил қамоққа ҳукм қилган.

Қурбонов ўз «ёрдамчилари» билан биргаликда кўнглига ёқмаган колхозчилардан ўч олишнинг ҳар қандай усулларини қўллаб келганлар. Кўпинча улар кишиларни колхоздан ҳайдашган. Уларнинг томорқа ерларини тортиб олиб, шу ердаёқ уй-жойларини бузиб, боғларини пайхон қилишган.

Колхоз аъзоси П. Раҳматова колхоз правлениесининг қарори билан колхоздан чиқарилган. Дарҳол унинг уйи вайрон қилинган, боғидаги мевали дарахтлари эса ваҳшийларча кесилган. Қурбонов Раҳматованинг боғидаги бир юз йигирма уч тип дарахтни кесиб ташлаб, унинг ўзини қишлоқдан ҳайдаб чиқарган. Ҳозир Раҳматованинг оиласи чеккадаги пасқамгина кулбада яшамоқда.

Бухоро область партия комитети ва область ижроия комитетининг, Қоракўл район партия комитети собиқ раҳбарларининг панохида Қурбонов кўп йиллар мобайнида ўзбошимчалик қилиб келган. Колхозчилар ундан аллақачонок юз ўгиришган. Кейинги вақтда артелдан 100 оила кетиб қолган, лекин Тошкентда ва Бухорода Қурбоновни аввалгидек энг яхши раҳбарлардан бири деб ҳисоблайдилар. Қурбоновнинг юз тубан кетганлигини, маънавий расволигини, у халқ ҳурмати ва ишончини алла қачон йўқотиб қўйганлигини ҳеч кимнинг пайқагиси келмаяпти.

П. НИКОЛАЕВ,
(«Сельская жизнь», 26 январь).

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ

30 ЯНВАРДА МОСКВА ШАҲРИДА

3% ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛАР ЗАЁМИНИНГ

91-асосий ютуқлар тиражи бўлади

Тиражда заёмнинг ўн олти разрядига 7.740.320 сўмлик 136.000 ютуқ ўйналади.

шу жумладан:

5.000 сўмдан	32 ютуқ,	500 сўмдан	1280 ютуқ,
2.500 сўмдан	80 ютуқ,	100 сўмдан	11200 ютуқ,
1.000 сўмдан	400 ютуқ,	40 сўмдан	123008 ютуқ

3% ли заём облигациялари омонат кассаларида сотилади ва бемалол сотиб олинади.

КОНКУРСЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг

ВИРУСОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант вазифаларда ишлаш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ташкилот-методика бўлимининг мудири.

Инфекцион гепатит, диагностика, диспансер-поликлиника, муҳитлар тайёрлаш бўлимларининг мудирлари.

Тоғчили инфекциялар, вирусриккетсиоз, иммунохимия, бактериофагия ва микроблар ўзгарувчанлиги, вируслар гисто-химияси, патоморфология, биохимия, функционал текширишлар лабораторияларининг мудирлари.

Шу бўлим, бўлинмалар ва лабораторияларнинг старший ва младший илмий ходимлари.

Илмий секретарь (медицина фанлари кандидати).

Виварий мудири.

Бўлинмалар ва лабораторияларнинг мудирлари ва старший илмий ходимлар вазифасида ишлаш конкурсида медицина фанлари докторлари ёки кандидатлари деган илмий даражаси бўлган кишилар, шунингдек ўз ихтисоси бўйича кўп йиллик илмий-амалий стажи бўлган кишилар қатнаша олади.

Конкурс муддати—1 ой.

Конкурс низомида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 12-уй.

Институтда ишлаш учун: **гистолог, вируслар гистохимиги, физик-электрик, физик-оптик, лаборантлар ва санитаркалар керак.**

●

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

қуйидаги кафедраларда профессор-ўқитувчилар составининг вакант вазифаларида ишлаш учун қўшимча

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбек халқ чолғу асбоблари кафедрасида — доцент (дирижёрлик класси бўйича), старший ўқитувчи (рубоб-прима класси бўйича), музика тарихи кафедрасида — ўқитувчи, музика назарияси кафедрасида — старший ўқитувчи, якка ашула кафедрасида — старший ўқитувчи ва ўқитувчи, умумий фортепиано кафедрасида — икки старший ўқитувчи, икки ўқитувчи.

Конкурс муддати — 1 ой.

Адрес: Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 31-уй.

В. В. КУЙБИШЕВ НОМЛИ САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Фармакология ва биохимия, қишлоқ хўжалик экономикаси ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш кафедраларининг вакант доцентлари вазифасида ишлаш учун қўшимча

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатларни топшириш муддати — 1 ой.

Адрес: Самарқанд шаҳар, К. Маркс кўчаси, 83-уй.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА

янги бадиий фильмлар чиқаради

Революция тўғрисида ҳикоялар

Москвада ўтказилган иккинчи Халқаро кинофестивалда (1961 йил) СССР Езувчилар союзининг дипломи билан тақдирланган.

Сценарий авторлари — **Хосе Эрнандес, Унберто Аренал, Томас Гутьерес Алеа.**

Режиссер — **Томас Гутьерес Алеа.**

Операторлар — **Отелло Мартелли, Серхио Вехар.**

Ролларда:

Эдуардо Моуре, Лилиан Льерена, Реналдо Миравальес, Кармен Бернал, Пепе Рамирес, Хедду Маскорлето, Энрике Фонг ва бошқалар.

Куба кино санъати ва кино саноати институти ишлаган.

ЁШУ ҒЎР

Кенг экранли фильм.

Сценарий автори — **Александр Рекемчук.** Сценарийни ёзишда **В. Воинов** иштирок этган.

Постановкачи — **Константин Воинов.**

Бош оператор — **Ф. Добронравов.**

Ролларда:

Олег Табаков, Ада Шереметьева, Иван Переверзев, Валентин Грачов, Юрий Никулин, Е. Евстигнеев, В. Земляникин, М. Ульянов, Л. Крилова, В. Кольцов, Д. Масанов ва бошқалар.

«Мосфильм» киностудияси ишлаган.

Иккинчи ижодий бирлашма.

ПАВЛУХА

Сценарий автори — **Радий Погодин.**

Постановкачи — **Семен Туманов, Георгий Шчукин.**

Оператор — **М. Дятлов.**

Ролларда:

Коля Козлов, Р. Куркина, Н. Лебедев, Н. Румянцева, В. Соловев, В. Гусев, Н. Мордюкова, В. Хохряков, Б. Новиков ва бошқалар.

Бахтиёр бўл, Ани!

Рангли кинокомедия.

Сценарий авторлари — **Валентин Ежов, Банчо Банов.**

Постановкачи — **Владимир Янчев.**

Бош оператор — **Бончо Карастоянов.**

Ролларда:

Невена Коканова, В. Меркурьев, Леда Тасева, Коста Цонев, Асен Кисимов, Анани Явашев, Веселин Василев ва бошқалар.

Болгария бадиий фильмлар киностудияси ишлаган.

ТИНГЛАНГ ТОМОША ҚИЛИНГ

РАДИО

27 ЯНВАРДА

Биринчи программа: 7.40 — Оталар учун (ўзбек тилида), 8.25— Эрталабки салом (концерт), 10.10— Пионер эрталиги, 10.30 — Халқ қўшиқлари ва рақслари, 11.25— Бугун дам олиш куни (музикали эшиттириш), 12.15 — Ёшлар учун (ўзбек тилида), 12.30 —Концерт (кекса санъат усталари ижросида), 13.30 — Концерт (СССР халқ артисти Георг Отс ижросида), 15.15 — «Ўлимга бардош берган киши» (бадиий-ҳужжатли радиоповесть, рус тилида), 17.25 — Куба қўшиқлари, 17.55 — «Кўркмас саёҳатчилар» (рус тилида радиопостановка), 18.30 — Концерт (кўриқ ерларни ўзлаштирувчилар учун), 19.20— Музикали драмалардан парчалар, 20.00 — Оқшом суҳбати (ўзбек тилида), 20.15 — Радио эшитувчилар ёзади, муҳокама қилади, 21.15 —Концерт (пахтакорлар учун), 22.15 — Кечки дам олиш концерти.

Иккинчи программа: 19.00 — Концерт, 19.40— Опера ариялари, 20.10— Мақомлардан парчалар, 21.00 — Концерт (тожик классик куйларидан), 21.30 — Қардош республикалар эстрада оркестрлари чалади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

27 ЯНВАРДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — **Ажойиб қиш** (мактаб ўқувчилари учун), 12.25 — **Физкультура билан шуғулланинг,** 12.45 — **Инглиз тили дарси.**

Рус тилида: 13.25 — **Салом, болалар!** номли бадиий фильм, 14.50 — **Концерт** (бадиий ҳаваскорлар ижросида), 18.00 — **Ҳамма нарсани билгим келади** (болалар учун), 18.15 — **Телевизион янгиликлар,** 18.30 —**Композитор Г. Н. Носов** (суҳбатли концерт), 19.05 —**Совет спорти** киножурнали ва **Укам** номли бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 20.55 — **Телевизион янгиликлар,** 21.10 — **Лирика кечаси,** эшиттиришдан кейин — **Сўнгги ахборот** (ўзбек ва рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 20.55 — **Китоблар оламида.** 21.20 — **Пётр I** номли бадиий фильмнинг иккинчи серияси.

КИНО

Сафра (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), **Салбчилар** (1 ва 2-серия, кундуз 2, кеч 5 ва 8 да) — «МИР».

Тўйдан кейин — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (2-залда).

Уч мушкетёр — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ДРУЖБА» (1-залда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Ўлимга ҳукм қилинган қочди — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Қўрқоқ — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6 ва 10 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10, кундуз 2, кеч 6 ва 10 да), «МОСКВА» (эрталаб 10, кундуз 12, 2 ва 4 да).

Тош устидаги гул — «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 12, 4 ва кеч 8 да).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/I да кундуз **Коппелия,** кечқурун **Дилором,** 28/I да **Концерт** (рус тилида), 29/I да **Риголетто.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/I да кундуз **Кимга тўй, кимга аза,** кечқурун **Алпомиш,** 28/I да **Икки билагузук.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 27/I кундуз соат 1 яримда мактаб абонементи бўйича 7, 8, 9, 10, 11-синф ўқувчилари учун: **«Республика камизнинг кўшиқ ва рақслари»** деган темада суҳбатли **концерт.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Украина цирки артистлари** ва **Зинаида Тарасованинг сўнгги гастролларн.** Томошалар кундуз соат 12,3 ва кеч 7 яримда бошланади.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асари

Қайтадан ишлаб чиқилган

БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ

Саҳнага қўювчи режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Е. Бобожонов,** режиссёрлар — СССР халқ артисти **Ш. Бурхонов** ва Ўзбекистон ССР халқ артисти **С. Табибуллаев,** рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми **Х. Икромов.**

Кундузги спектакллар соат 12 да, кечки спектакллар соат 7 да бошланади. Билетлар эрталаб соат 11 дан сотилади. Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА ТЕЗ КУНДА ПРЕМЬЕРА

Глиэр ва Содиқов музикаси

ГУЛСАРА

К. Яшин ва **М. Муҳамедов** либреттоси.

Б. Зейдманнинг музика таҳририда

3 парда, 5 кўринишли опера.

Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Б. Иноятов,** постановкачи режиссёр —Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Давлат мукофоти лауреати **М. Мусаев,** балетмейстер — СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати **М. Турғунбоева,** хормейстерлар **Л. М. Шашмин** ва **Д. Қурбонова.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА

27, 29 январда

В. Шекспир асари

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

ЮЛИЙ ЦЕЗАРЬ

3 пардали фожиа.

Уйғун таржимаси.

Марк Брут ролида — СССР халқ артисти **Шукур Бурхонов.**

Саҳнага қўювчи режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **А. О. Гинзбург,** режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Ш. Қаюмов,** рассоклар— **И. Я. Вальденберг** ва **Д. В. Ушаков,** композитор —**А. А. Берлин.**

Спектакль кеч соат 7 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

1-СИЛИКАТ-КЕРАМИКА ЗАВОДИ

объектларда

МОЗАИК ПОЛЛАР ТАЙЁРЛАШ УЧУН

ЗАКАЗ

қабул қилади

Завод ҳар хил катта-кичикликда пардозланган мармар плиталар ҳам сотмоқда.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Генерал Петров кўчаси, 2-переулок, 25-уй, телефон 6-10-06.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш 17-билим юрти

1963 ўқув йили учун *ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ*

Ўқиш муддати 11 ой.

Билим юртига камида 7-синфни тамомлаган ва 18 ёшдан кам бўлмаган йигитлар қабул қилинади.

Билим юрти ер қазиш, текислаш машиналарида ишлайдиган кенг профилли машинистлар тайёрлайди.

Қабул қилинганлар кунига 3 маҳал бепул овқат, стипендия, ётоқхона ҳамда уст-бош билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак:

1. **Ариза ва автобиография.**
2. **Маълумоти тўғрисида ҳужжат.**
3. **Турар жойидан справка.**
4. **Паспорт ва ҳарбий билетни ўзлари билан олиб келишлари шарт.**

АДРЕС: Фарғона область, Поп райони, Гагарин посёлкаси.

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг

9-автотранспорт конторасига

шоферлар ва автомобиль ремонт қилувчи слесарлар

керак

Ёлғиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Тошкент область, Ўрта Чирчиқ район, Қўйлиқ қишлоғида конторанинг кадрлар бўлимига учрашилсин.

«УЗОРГЭНЕРГОГАЗ» КОРХОНАСИГА

қозон ва турбина установкалари, саноат теплотехникасига доир **инженерлар ва техниклар,** ҳаво-компрессор хўжалигининг **эксплуатациячи механиклари,** газ хўжалиги, саноат печлари, қуритиш установкалари ва саноат вентиляцияси мутахассислари, электрон-изотоп асбоблари конструкциялаш бўйича етакчи вазифаларда ишлаш учун: **электроника, радиоэлектроника ва электр-радио асбобсозлигига доир инженерлар, монтажчи слесарлар, газ ва электр пайвандчилар**

керак

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Уйғур кўчаси, 314-уй (8, 11-трамвайнинг «Дарвоза» остановкаси).

ГАУРДАК ОЛТИНГУГУРТ КОМБИНАТИГА

участка бошлиқлари ва мастерлар вазифасида ишлаш учун **кон инженерлари, кон техниклари, кон электромеханиклари, бош бухгалтер ўринбосари**

керак

Чоржўй область, Чоршанги район, Гаурдак посёлкасида комбинатнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Махсуслаштирилган трест «Узтрансспецстрой»нинг 984-УНРига

4, 5, 6-разрядли **слесарлар, катководителлар,** 5, 6-разрядли **мотористлар, шоферлар, автопогрузчик ҳайдовчиси, автогрейдерчилар, электромонтёр, темирчи, тракторчилар, кочегар**

керак

Меҳнат ҳақи ишбай, вақтбай-мукофот асосда тўланади.

Тошкент шаҳар, Октябрь район, Комбинат кўчаси, 5-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин. Телефон 4-35-95.

«УЗБЕКВЗРИВПРОМ»га

пармалаш ва компрессор ускунасини билган энергетик ва механик **инженерлар**

керак

Тошкент шаҳар, Самарқанд кўчаси, 50-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

●

УНР-532 га

сантехника слесарлари, электр-пайвандчилар, газ пайвандчилар, шунингдек сантехникачи слесарь касбига ўргатиш учун **шогирдлар**

керак

Мурожаат учун адрес: Радиальний проезд, 12-уй, телефон 4-24-11.

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИНИНГ ВОДОПРОВОД ТАРМОҚЛАРИ БОШҚАРМАСИГА

сантехника инженерлари ва техниклари, водопроводчи слесарлар, гишт терувчилар, шоферлар, ёрдамчи ишчилар

керак

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 26-уй.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши

Енгил саноат бошқармасининг 4-ТИКУВЧИЛИК ФАБРИКАСИГА

бухгалтерлар, экспедитор, курьер

керак

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Магазин мавзу, 136-уй.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашининг

ТУҚИМАЧИЛИК ВА ТРИКОТАЖ САНОАТИ БОШҚАРМАСИГА

Марғилон шаҳрида ишлаш учун:

ипакчилик саноати учётини билган **бош бухгалтер** ва **бош бухгалтер ўринбосари**

керак

Уй-жой билан таъмин қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7-уй, 11-хона.

<>

«УЗГОСПРОЕКТ»га

институтнинг бош мутахассислари вазифасида ишлаш учун: **сув таъминоти ва канализация, электр таъминоти, қурилишнинг экономик анализига доир мутахассислар**

керак

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 18-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

●

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ДОРУРСИГА

ревизор-бухгалтер, Урсатьевскаги филиалига **бош бухгалтер, ревизор-бухгалтер,** вақтинча ишга **бухгалтерлар** (иш ҳақи ўзаро келишилади), «Самарқанд» совхозида ишлаш учун **старший бухгалтер**

керак

Тошкент шаҳар, Гоголь кўчаси, 94-уй, Тошкент темир йўл бошқармасида ДОРУРСнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Тожикистон ССР, Хўжакент шаҳридаги

33-АВТОБАЗАГА

дизель ва бензин автомобилларида ишлаш учун шоферлар, **автослесарлар**

керак

Қабул қилинганлар уй-жой билан таъминланади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Коммутатор—26334, 33262, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258. Редакция телефонлари: Редактор—26545. Редактор ўринбосарлари—27914, 29323. Масъул секретарь—34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283. Партия турмуши—33469, 27221. Пропаганда—31226. Саноат, қурилиш ва транспорт—34780. Совет қурилиши—33258. Қишлоқ хўжалиги—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари—34451. Маҳаллий ахборот—32347. Оммавий ишлар ва хатлар—29005, 33553. Иллюстрация—34524. Стенографистка—27343. Эълонлар—28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р 06155 Индекс 64543. Нашр. № 23.